



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (13.675)

Баҳоси эркин нарҳда

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 24 апрель куни Хоразм вилоятида бўлди.

Урганч халқроқ аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Хоразмда ушбу ташрифта алоҳида тайёргарлик қўрилди. Вилоят кўчалари икки мамлакат давлат байроқлари, ўзбек ва туркман тилларидаги кутлов сўзлари билан безатилди. Кўчаларга чиққан минглаб юртдошларимиз юз-қўлидаги хурсандчилик икки дўст давлатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари янада ривожланиб бораётганидан далolat беради. Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларининг ёрқин истиқбол рамизи сифатида осмонга оппоқ қабутлар учирди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тили ва урф-одатлари яқин, маданияти, адабиёти ва санъати уйғун.

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг Урганч тумани Ғойиб қишлоғидаги Туркман маҳалласида минглаб туркманлар ўзбеклар билан тинч-тотув, бир оила вакилларидек иноқ яшаб келмоқда. Уларнинг ўз она тилида таълим олиши, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу ҳудудда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янгиланган лойиҳадаги уй-жойлар, замонавий мактаб, мактабгача таълим муассасалари, болалар муҳити ва санъат мактаби, оилавий поликлиника бинолари қишлоқ қиёфасини буткул ўзгартириб юборди. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида "Ўзбек-туркман" дўстлик уйи бунёд этилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов халқларимиз дўстлиги рамизи сифатида барпо этилган ушбу иншоотни бориб кўрди. Бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Бинода туркман, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини жамлаган кутубхона, ахборот-ресурс маркази, икки халқнинг кўп асрлик тарихий дўстлигини ифода этувчи музей, турли фан ва санъат тўғрисидаги хоналари ва қарий икки юз ўнгира эга фаоллар зали жой олган.

Фаоллар залида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Туркменистон – биз учун тарих ва вақт синови"дан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари боғлаб турадиган энг яқин қўшнимиздир. Ҳақиқий дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини биз бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга солишимиз" ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг "Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар – бир-бирини қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган қардош халқлар, меҳрибон қўшнилари муроқабатидир. Ушбу мустақам пойдевор асосида биз бундан буён ҳам халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларини ривожлантирагимиз ва мустақамлашимиз", деган сўзлари битилган.

Бу икки халқ вакиллари, айниқса, ёшлари ўртасида дўстлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Давлат раҳбарлари "Ўзбек-туркман" дўстлик уйи ҳовлисида ўрнатилган туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули Фирогий бюсти пойига гул қўйди.

Туркман халқи Алишер Навоий газалларини севиб ўқиганидек, ўзбек халқи ҳам Махтумқулни ўз шоиридек ардоқлади.

Атоқли шоир "Фирогийнинг икки кўзи бор, бири туркман бўлса, бири ўзбегим", дея икки халқ ўртасидаги қардошлик ва дўстлиқни меҳр билан тараққий этган эди. Бугун ушбу дўстлик анъаналари янги бошқича кўтарилди.

"Ўзбек-туркман" дўстлик уйи, туркман миллатига мансуб юртдошларимиз учун яратилган имкониятлар туркменистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ун еттинчи асрга оид ушбу мажмуада Президентимиз ташаббуси билан кенг қўламли таъмирлаш ва реставрация ишлари амалга оширилди. Бунда бинонинг асл тарихий ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Салкам бир гектар майдонни эгаллаган мазкур обода ҳимоя кўрғони билан ўралган. У бу ерда истиқомат қилган оилалар хавфсизлигини таъминлаган. Бу ерда, шунингдек, туркман халқининг миллий маданиятига тегишли осори-атиқалар бор. Мажмуада сайёҳлик ва зиёрат туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ингирма ўринли меҳмонхона қурилди. Туркман ўтовлари ўрнатилди.

Сайёҳлар бу ерда тегиримонларда ун ва гуруч тайёрлаш ҳамда улардан турли мазали таомлар пишириш, тандирларда хоразмча ва туркманча нон ва патир ёпиш жараёнининг ғувоҳи бўлиши мумкин.

Президентлар қалъада сақланаётган, ўзбек-туркман халқларининг қадимий тарихидан ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар билан танишдилар. "Улли ҳовли" мажмуаси отхонасидаги машҳур ахалтеке зотли отларни бориб кўрдилар.

Ўзбек ва туркман мумтоз қўшиқларидан намуналар ижро этилди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида "Ичан қалъа" ҳамда Нуриллобей мажмуасини зиёрат қилди.

Олий мартабали меҳмонга ушбу қадамжолар тарихи, бу ерда сайёҳликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Очик осмон остидаги музей деб эътироф этилади-ган "Ичан қалъа"да жойлашган Паҳлавон Маҳмуд макбарасида буюк аждодимиз хотирасига қуръон тиловат қилинди.

Президентлар Шерғозихон мадрасасини ҳам кўздан кечирди. Бу масканда асл қиёфаси олган алломалар шарафига ташкил қилинган музей фаолияти билан танишди. Ушбу мадрасада ўз даврида Махтумқули Фирогий ҳам уч йил таҳсил олган.

Мажмуада шоир шеърларига басталган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимиздаги барча тарихий шаҳарлар қатори Хива шаҳрининг ҳам тарихий-меъморий ва туризм салоҳияти изчил ривожлантирилмоқда. Худуддаги бебаҳо маданий ёдгорликлар асл қиёфасини йўқотмаган ҳолда таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилмоқда. Хусусан, Нуриллобей тарихий мажмуаси реконструкция ва реставрация қилинди. Ресторан, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр барпо этилди.

Бу аждодларимизнинг бой тарихий мероси, маданияти ва санъати намуналарини асраб-авайлаш, халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятини дунё жамоатчилигига кенг намойиш этишга хизмат қилмоқда.

Туркменистон Президенти аждодларимизнинг бунёдкорлик зақоси, улар меросини асраб-авайлаш борасида бугун амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Куннинг иккинчи ярмида Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти музыкали драма театрида Ўзбекистон – Туркменистон санъат усталарининг концертни намойиш этилди.

Унда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Бу ўзбек ва туркман халқлари маданияти бир-бирига яқинлигининг яна бир намойиши, мамлакатларимизнинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенг танишиш учун қўлай имконият бўлди.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

Урганч халқроқ аэропортида Туркменистон Президентини Ўзбекистон Президенти кузатиб қўйди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яқин қўшничилик ва қардошлик таъминоти асосида мустақамлашган бораётганини аёнқол намойиш этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Аҳмадхон ШОКИРОВ,
Ўза махсус мухбирлари**



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган давлат университетида анъанавий тасвирий ва амалий санъат фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий академияси Наманган вилояти бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъатшунос олимлар, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, фахрийлар, тасвирий санъат илҳомландириш иштирок этди.

● Андижонда "Қиз боланинг либоси – унинг гўзал ибоси" мавзусида семинар ўтказилди. Семинарда қизлар тарбияси билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш, ўқувчи қизлар фаоллигини ошириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, кийиниш маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари келиб чиқишининг олдини олиш, ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● Навоий шаҳридаги "Vagus" хусусий тиббиёт марказининг замонавий жарроҳлик бўлими очилди. Энг сўнгги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифо масканида иш 3 меънада ташкил этилган бўлиб, малакали жарроҳ, уролог, кардиолог, гинеколог, невропатолог ва стоматологлар фаолият кўрсатади. Янги марказ Ҳиндистоннинг "Life Care company" клиникаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу мураккаб жарроҳлик операцияларида ҳиндистонлик малакали шифокорлар ҳам мунтазам иштирок этишини аниқлади.

● Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Ички ишлар вазирлиги тизимидаги академик лицейлар жамоалари ўртасида "Бургут" ҳарбий-спорт мусобақасининг мамлакат босқичи ўтказилди. Жамоалар "Сафда қўшиқ айтиш", "Тўсиқлар оша югуриш", "Моҳир мерган", "Миналаштирилган ҳудудда ҳаракатланиш", "Ўзбекистон давлат рамзлари", "Жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш", "Ҳарбий унвонлар тури" ва "Рақиб жамоа байроғини эгаллаш" каби шартлар бўйича маҳоратини синовдан ўтказди.

ЖАҲОНДА

● Грециянинг Лесбос оролида вақтинчалик истиқомат қилаётган олтининг нафарлик муҳожирлар лагерига радикал кайфиятдаги ёшларнинг петардалар, турли ёнувчи воситалар орқали ҳуружи натижасида жиддий тўқнашувлар бўлиб ўтди. Полиция мижарога барҳам бериш юзасидан кўздан ёш оқизувчи газни қўллашга мажбур бўлди. Тўқнашув натижасида муҳожирларнинг ўн нафари жароҳатланиб, шифохоналарга ётқизилди.

● Читадаги маийш гезининг портлаши натижасида вайрон бўлган уйдан портловчи модда топилди. Ҳозирда ушбу уйда истиқомат қилувчи кишиларнинг соғлиги ва ҳаёти учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

● 2014 йилнинг ноябрь ойининг охиридан буён Brent русумли нефтнинг нархи энг юқори даражага кўтарилиб, ҳозирда бир баррелининг қиймати 75 долларга етди.

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Россия Федерацияси Молия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди. Унга асосан давлат бюджетининг даромад қисмини ижро қилиш, ягона газна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш, давлат молиявий назорати ва аудит, бюджет ижроси жараёнини автоматлаштириш бўйича ҳамкорлик режалаштирилган.

Ўзаро келишувга мувофиқ, Россия Федерацияси Федерал газначилиги етакчи бошқармалари раҳбарларидан иборат делегация жорий йилнинг 23 апрель куни Тошкент шаҳрига келди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида вазирликларро мулоқотлар доирасида ишчи гуруҳларнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар каби молия соҳаси ривож, хусусан, давлат бюджетининг даромад қисмини ижро қилишни такомиллаштириш, ягона газна ҳисобварағидаги маблағларни бошқариш, давлат молиявий назорати ва аудит, бюджет ижроси жараёнини автоматлаштириш борасида тажриба алмашишлар муҳим аҳамият касб этди.

Жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон делегацияси Россия Федерациясига бўлган эди. Бундай ҳамкорликлар доирасида ўрнатилган тажрибалар натижасида бир қатор меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва янги йўналишларга оид ҳужжатлар лойиҳалари

ри ишлаб чиқилди. Жумладан, ягона газна ҳисобварағининг бўш пул маблағларини банк депозитларида жойлаштиришнинг электрон ахборот тизимлари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда амалга ошириш механизми жорий қилиниши қўлайлаштирилган бунга яққол мисолдир.

Меморандум ижросига мувофиқ молия ва газначилик органлари иш тажрибасини ўрганишга қаратилган учрашув ва суҳбатлар менда катта таассурот қолдирди, – деди Ўза мухбирига Россия Федерацияси Федерал газначилиги раҳбари ўринбосари Александр Михайлик. – Икки давлатнинг ушбу йўналишлар бўйича яқин тажрибаси бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг асосий мақсадимиз ўзбек ва рус газначилари ва мутахассисларининг иш тажрибаси билан яқиндан танишиш. Бу тажрибаларни иш жараёнида қўллаш биз учун ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Ташриф доирасида меҳмонлар Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам бўлади.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

Туркменистон Республикаси Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда Туркменистон миллий кўргазмаси ва ишбилармон доира вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМЕНИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАРНИ ИМЗОЛАДИ

Икки давлат вазирликлари, савдо-саноат, инвестиция ва бошқа тадбиркорлик соҳаларида фаолият юритувчи компаниялар раҳбарлари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон – Туркменистон ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик йўналишидаги алоқаларни келгусида янада ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Иқромов, Туркменистон Савдо-саноат палатаси раиси Ў.Гурбанназаров ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида манфаатли ҳамкорлик муносабатлари янги босқичда ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида эришилган келишувларнинг биргаликда амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ҳамкорлик асосий ўрин тутди. Бу ҳукуматлараро битимларда ҳам ўз аксини топган.

Туркменистон миллий кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб қилиш, шунингдек, тадбиркорлар ўртасида савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши ва кенгайтирилиши қўллаб-қувватлаш, янги қўшма корхоналар сонини ҳамда манфаатли маҳсулот айланмасини оширишга хизмат қилади.

Ишбилармонлар учрашуви чоғида икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш бўйича масалалар муҳокама қилинди.

Туркменистон ишбилармон доира вакиллари Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусу-


сий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодийнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар, эркин иқтисодий зоналарда инвесторлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Мамлакатда иқтисодийнинг турли тармоқларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бу каби ислохотлар самарадорлигини юқори баҳолади.

– Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз экспорт ҳудудини кенгайтириш, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш мақсадида Тошкентга келдик, – дейди Ўза мухбирига "Ипак йўли харидлари" компанияси бош менежери Павел Аннабердиев. – Туркменистон миллий кўргазмаси ва бизнес-форум фаолиятини янада кенгайтириш, ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистонга ташрифимиз биз учун яқин самара беришига ишонамиз.

2017 йилда мамлакатларимиз ўртасида товар айланмаси 177,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугун Ўзбекистонда туркменистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 11 корхона фаолият юритмоқда. Улар савдо ва хизмат кўрсатиш, тўқимачилик соҳаси, мебель ишлаб чиқариш каби соҳаларни қамраб олган.

Туркменистон миллий кўргазмаси ва бизнес-форумда нефть-газ, транспорт-коммуникация, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, саноат ишлаб чиқариш, тўқимачилик каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича истиқболли келишувларга эришилди, 250 миллион АҚШ доллар қийматидаги шартномалар имзоланди. Бу каби тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Улғубек АСРОПОВ



Спорт янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУХЛИСЛАРГА ФИФАНИНГ ТУҲФАСИ

ФИФА президенти Жанни Инфантино ташаббуси билан ўзбекистонлик мухлисларга Россияда ўтайдиган жаҳон чемпионатида учрашувларни бевосита стадионлардан кузатишлари учун қудайлик яратилди.

Гап шундаки, ФИФА президенти юртимиздаги мухлисларни жаҳон чемпионати ўйинлари билан рағбатлантиришга қарор қилди. Чекланган миқдордаги чипталар энг фаол мухлисларга тақдим этилади. Бунинг учун мухлислар Суперлига баҳсларида сеvimли жамоаларини стадионда қўллаб-қувватлашлари жоиз.

Акбар Йўлдошев

ДУНЁ ГИМНАСТИКА ЮЛДУЗЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДА

Тошкентда спортнинг энг нафис тури бўлган бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги мусобақаси бошланди.

Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия заҳираси спорт мактабига ўтаётган мусобақа Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси, Халқаро гимнастика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ўн беш давлатдан келган йигирма етти нафар гимнастикачи саккиз йўналишда голиблик учун курашмоқда.

Мамлакатимизда қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бадий гимнастика билан шуғулланувчи

қизлар сафи кенгайиб бораётир. Ушбу спорт тури қизларнинг жисмонан соғлом, иродаси мустаҳкам, диди ва дунёқарashi юксак инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Жаҳон кубоги босқичида тажрибали гимнастикачиларимиз Сабина Тошкенбоева ва Нуринос Усмонова мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Гуруҳ баҳсларида Ксения Александрова, Динара Равшанбекова, Софьябону Қосимова, Камола Ирнарарова, Нилуфар Шомуродовадан иборат гуруҳ иштирок этмоқда.

Ж.ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ЁШ МЕРГАНЛАР БЕЛЛАШУВГА КИРИШДИ

Спортнинг техник ва амалий турларига мамлакатимиз ёшларини қизиқтириш, айниқса олимпия йўналишига кирувчи спорт турлари бўйича энг иқтидорли, умидли ёшларни аниқлаб Осиё чемпионатлари, Осиё ва Параосиё ўйинлари сингари нуфузли турнирларга йўналтириш мақсадида Республика техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан ҳам йиллик спорт тадбирлари тақвими ишлаб чиқилган.

Андижонда пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича бошланган ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон кубоги мусобақалари ҳам спорт тарғиботи тадбирлари сирасига қиради. Мусобақанинг очилиш маросимида спорт турининг ёшлар саломатлигида, маънавий-маърифий дунёқарашининг, интеллектуал салоҳиятнинг ўсишида катта ўрин тутиши ҳақида сўз борди.

Республика техник ва амалий спорт тур-

лари маркази ҳамда Ўзбекистон ўқ отиш спорти федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган мусобақада 100 дан ортқ еш спортчилар Ўзбекистон кубогининг иккинчи босқичи голиблиги учун мерганлик салоҳиятларини намойиш этишмоқда.

Мусобақани қизлар ўртасида пневматик милтиқдан 10 метрлик масофадаги нишонга ўқ узиш бўйича ВП6 машқлари бўйича баҳслар бошлаб берди.

ЁЗГИ БИАТЛОН МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номли спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланди.

Мусобақаларда 100 га яқин спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди. Чидамлилик, чаққонлик, жисмоний етуқлик билан бирга спортчилардан юрак уриши ва нафас олиш темпини бир маромга келтирган ҳолда мерганлик салоҳиятини намойиш этиш талаб этиладиган мусобақада дастлаб ўғил болалар спринт босқичи етакчилиги учун стартга чиқилди. 4000 метр масофада ўтган спринт баҳсларида фарғоналик Музаффар Мамасолиев финишга 15 дақиқа 35

сонияда етиб келди. Асосий рақобатчилар бўлган сурхондарёлик Виталий Слатстен, самарқандлик Бунёд Муҳиддиновлар ҳам кучли ўчиққа киришди.

Қизлар ўртасида 3000 метр масофада ўтган спринтда эса финишга самарқандлик Мадина Сағатова ҳамда Севара Чориевалар, уларнинг ортидан учинчи бўлиб пойтахт вилояти вакиласи Зухра Халимова етиб келди.

Ботир ХҲАЕВ

Қилмиш – қидирмиш

ЗҲРАВОН — ПАНЖАРА ОРТИДА

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда Адлия вазирлигига қарашли Тошкент юридик коллежи ўқувчиларининг турли ҳуқуқбузарликлар содир этгани билан боғлиқ хабарлар тарқалди. Ташвишга соладиган томони шундаки, наҳотки бўлажақ юристлар жиноят содир этса, деган ўринли савол туғилади. Ахир улар бошқалардан кўра ҳаётни тўғри баҳолаши, ҳуқуқий билимлари юқори бўлиши керак эмасми?

Демак, бу коллежда таълим-тарбия, ўқитиш сифати пасайган. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларига бепарво! Улар билганича дарс пайти безорилик қилиб, турли жиноятларни содир этганлар.

Мисол учун Саидкамрон Саидвоҳидов Адлия вазирлигига қарашли Тошкент юридик коллежининг 3-босқич ўқувчиси. У 2017 йил 6 октябрь куни соат 10.00ларда коллеж ошхонасининг орқа томонидаги ҳудудда бўла туриб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини касддан менсимасдан шу коллеж ўқувчиси бўлган Раҳматулло Ержориев билан жанжаллашиб қолади, натижада ёнидаги ўткир тигли жисм билан Раҳматулло оёғининг чап сон соҳасига тан жароҳати етказиб, ҳодиса жойидан яширинган.

Худди шу куни соат 10.30ларда Саидкамрон шу коллежининг яна бир ўқувчиси Асадбек Парпибоев билан жанжаллашиб, Асадбекнинг ўнг ҳамда чап сон соҳасига ўткир тигли жисм билан тан жароҳати етказиб, қочиб қолган.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек, Саидкамрон қочиб қаерга ҳам борарди. Уни зудлик билан ушлади. Ачинарлиси, А.Парпибоев олган тан жароҳати билан Республика шошили-нч тез тиббий ёрдам марказига олиб борилган, тез тиббий ёрдам кўрсатилган бўлишига қарамай, касалхонанинг жонлантириш бўлимида ҳаётдан кўз юм-

ган. Бунга нима дейсиз? Ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган ўсмир бола ҳаёт билан видолашди. Унинг ўлимига безори С.Саидвоҳидов сабаб бўлди.

Ҳали коллежни битирмаган Саидкамрон "қора курси"га келиб ўтирди. Ҳаётида доғ пайдо бўлди. Суд ушбу жиноят ишнини ҳар томонлама холис кўриб чиқди. Саидкамрон Саидвоҳидов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси, 3-қисмининг "д" банди ва 277-моддаси, 2-қисмининг "в" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганлигида айбдор деб топилди. Унга узил-кесил ўташлик учун 5 йил муддатга озоқликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Энди уйлаб кўрайлик. Юридик коллежа нима учун ўқишга кирилади. Жамиятда одоб қоидаларига қатъий амал қилиш, ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш, бошқаларга ибрат бўлиш учун эмасми? Келажакда юридик олий ўқув юртига кириб, етуқ инсон, катта ҳуқуқшунос бўлиш учун эмасми? Коллежда ўқиб туриб жиноят содир қилиш, бировнинг умрига зомин бўлиш бу бориб турган шармандалик-ку!

Бу воқеа ҳар биримизни чуқур мулоҳаза юритишга, ҳаётдан тўғри сабоқ олишга қорлайди...

Ўткир БАХОДИРОВ,
Учтепа тумани прокурорининг иш ўрганувчи-ёрдамчиси

Томчиларда ҳаёт мағзи

АЙРИ

Шафтолининг гўж-гўж ҳосиллари тўлишиб боргани сари эгила бошлади. Яна озгина оғирлаша шохлари синиб кетадиган. Айри ёрдамга келди. Елкасини тутди. Одамлар оқ шафтолининг беғуборлигини мактаб, маза қилиб ейишди. Бирок уни мактовли қулларга эҳтиётлаб етказган айрининг беминнат хизматини ҳеч ким ҳаёлига келтирмади.

ЖҲХОРИ ВА ҒУМАЙ

Меҳнаткаш қўллардан ишлов еяётган "дала маликаси" яйраб кўкка бўй чўзди. Қобик йўрғаида тўлишайтган сўта фарзандларининг келажигидан мамнун. Елда сочларини ёйиб рақса тушади. Енидаги ғумай эса бундан ич-этини ёйди:

— Шу пайтгача мени икки марта ўришмаганда ўсишда сендан қолишмасдим. Қип-қизил уруғ ҳам бойлаган бўлардим.

— Уруғласа яна баттар кўпаяди, экинни қийнаб кўяди, дейишиб шаҳдингни қайтариб туришади. Қилмишингни билатуриб, ҳасад қилсан-а, — дейди жўхори.

Ғумай бундан ижриганиб, очикда яйраб ўсолмаганидан ер тағидаги бўгин-бўгин илдизига янада зўр бераркан.

БИЛИМДОН

— Мен жўяқлардан милдираб оқишим керак, бу қия пайкалда. Шалдираб оқсам тупроқни ўйиб кетаман. Ниҳол илдизлари очилиб қолади, — дейди сув, сувчи уни зийрақлик билан милдирашиб тараётганида.

— Бу пайкал кафтедек текис экан. Милдираб оқсам ниҳолларни эзиб қўяман, — дейди сув, сувчи уни дадилроқ тараётганида.

Сув сувчининг қўлида тўғри жиловланмаганда ўзича шундай билимдонлик қилармиди?!

ВАРРАК

Ўғлимнинг ҳаёли оқиш булутлар бағрига интилайтган варрагида.

— Жудаям баландга учирма. Ипи узилиб кетади.

Ўғлим сўзимга қўлоқ солмай, ипини силтаб-силтаб чопади. Дуторниқидек таранглаган варракнинг ипи узилди. Шамолда ўзини ҳар ён уравериб, илма-тешик бўлди.

— Кўрдингми, нима бўлди?!

— Энди унақа баланд учирмайман, дада, — дейди ўғлим ҳасратомуз, қамишдан янги варрак ясаётди.

У шундай дейди-ю, аслида кибру ҳаводан ўзини баланд тутиб, эл юртининг меҳр ипидан узилган баъзи одамларнинг тақдири ҳақида кўнглимда нималар кечаётганига ақли етмайди!

ҚАЙРОҚ

— Мусобақада ортада қолганимга таъна тошини отма, азизим. Барибир мусобақадан хурсандман. Маррага етуғунча "рақибим"нинг ҳаракатидаги тажрибасини ўргандим. Файрат, шижоатим қайралди.

Пичоқ ҳам ўткир бўлиш учун қайроққа қаралиб турадику. Мусобақа эса ҳаракатимиздаги энг бебаҳо қайроқдир, азизим.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

"101"

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ЛОЗИМ

Кишилар "Ўз уйингни ўзинг асра" шиорини асосан мол-мулкни беғоналар тажовузидан сақлашни тушунади. Аммо ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам хавфсизликнинг ажралмас бир қисмидир.

Бу эса ҳамisha ҳамма ерда масъулиятли бўлишни талаб этади. Чунки эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ердаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, қулга айланиши ҳеч гап эмас. Энг ачинарлиси эса ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин.

Бу каби ноҳушликларнинг олдини олиш учун аҳоли орасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш муҳим. **Фахриддин КҲЛДОШЕВ,** Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант

Олов — "тилсиз ёв". Ундан эҳтиёт бўлиш учун ҳамisha ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.

Лоқайдлик ва бепарволик оқибатида ёнғин содир бўлади. Фуқароларнинг газ ва электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиши оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан аҳолимиз ўз вақтида хулоса чиқармаётганлиги эса янада таажубли ҳолдир.

"Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

Улуғбек АҲМЕДОВ, Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант

Ёнғинлар халқ ҳўжалигига катта моддий зарар келтиради. "Тилсиз ёв" бир неча сония ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, қулга айлантиради.

Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли хид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ундан кўриладиган зарарнинг энг ёмони шуки, унда кўплаб кишилар жароҳатланида ва ҳатто ҳаётдан кўз юмиши ҳам мумкин.

Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирларини, бу вақтда пайдо бўладиган ишларни хавфсиз бажариш усуллари ва меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишга мажбур қилади.

Бахтйёр ҲОШИМОВ, "Маърифат маркази" ЁХБ инспектори, сафдор

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғинларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, аҳолини бунга кенг жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Хамшаҳарларимизга қўйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқлигини эслатиб ўтмоқчимиз:

- очик алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўринг;
- электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутинг ва носоз ҳолда қўнубола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланманг;
- белгиланган жойларда чекиш муҳимлигини унутманг.

Мазкур қоидаларга риоя қилиш орқали биз йиллаб йиққан мол-мулкимиз, уй-жойимиз, қолаверса яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраган бўламиз.

Дилшод МИРАЛИМОВ, "Маърифат маркази" ЁХБ инспектори, сержант

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Сергели туманидаги 6-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Холита Саидовага фарзанди **Есинхўжа НИЗОМИДДИН** ўғлининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25 апрель куни ҳаво ўзгариб туради, эрталаб ва кечқурун ёлғир ёғади, момақалдирок бўлиши мумкин. Қундузи ёнғингарчилик бўлмайди. Фарбдан шарққа томон йўналишини ўзгартирган шамол сезундига 5-10 метр тезликда, кундан ҳолда сезундига 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 20-22 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 апрелда Тошкент шаҳрининг ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги туфайли соҳанинг ҳар томонлама ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 16 августда “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши ва уларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилётган ислохотлар юртимизда туризм ривожини янги поғонага олиб чиқди.

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари туризмни янада жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадига йўналтирилган. Мазкур ҳужжатлар билан юртимиз туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ҳамда технологияларни жорий этиш, шунингдек, бой табиий, маданий ва тарихий меросимизнинг мавжуд ресурслари ҳамда имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига юксалтириш учун янада қулай шароит яратилади.

Тошкент шаҳрининг туристик салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда пойтахтимизнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш, шаҳар туристик имиджини сақлаш ва ривожлантириш, миллий туристик маҳсулотлар ва брендларни халқаро туристик бозорларга чиқаришга асосланган туризм соҳасига оид реклама ва ахборот сиёсатини самарали амалга оширишнинг таъминлаш, шу мақсадга қаратилган туризмни комплекс ривожлантиришга оид минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, туризм инфратузилмаларини шакллантириш, янги туристик маршрутлар ташкил этиш ва чет давлатларда Тошкентнинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мамлакатимизда ушбу соҳанинг улкан салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тарихий манбалардан маълумки, “Тошкент” деган атама илк бор Берунийнинг 1030 йилда ёзилган “Ҳиндистон” асарига келтирилган. Машҳур олим ушбу асарда бундай ёзади: “Қўрмайсани, “Тош” сўзи асли туркча

исм бўлиб, “Шош” кўринишини олган, яъни туркча “Тошқанд” сўзидан. Худди шунингдек, “Жуғрофия” китобида “Бурж ал-ҳижора” (“Тош қалъа”) деб аталган.

Эндиликда ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси”, “Ислоҳ маданияти пойтахти” номига мушарраф бўлган Тошкент – нафақат Марказий Осиё, балки жаҳондаги қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, дунё цивилизацияси ривожига ўз муносиб хиссасини қўшган. Маълумки, пойтахтимиз 2200 йилдан ортиқ тарихга эга. Шаҳар муҳим савдо кانونлари кесишган, Буюк Ипак йўли тармоғида жойлаш-

тўпланадиган маскан ҳисобланар эди. Кейинчалик ушбу зиёратгоҳ 1924 йили ёпиб қўйилди. XX аср 20-30-йилларида бошланган динга ва диний эътиқодга қарши кураш кампанияси шаҳардаги мавжуд меъморий обидалар тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Масжид, мадраса, черков, ибодатхона, синагога ва бошқа диний иншоотлар ёпилиб, улар ўрнига омиборхона, дўкон, ётоқхона, турли цехлар ва ҳоказолар ташкил этилган.

1991 йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистон пойтахти бўлиши Тошкент, ис-

тиклол шарофати билан қадимийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган, жаҳондаги илгор шаҳарсозлик анъаналарига мос равишда ривожланаётган шаҳар даражасига эришди. Шу нукта назаридан пойтахтимизнинг туризм соҳасидаги алоҳида ўрни белгиланган сайёҳ-ҳаракатлари рўёбга чиқариш, давр талабига ҳамоҳанг бўлган ташаббусларни тақозо қилади. Соҳа истиқболда яна бир муҳим жиҳат – бу ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, минтақада туризмни ривожлантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришдан иборат.

Маълумки, ҳозирги замон сайёҳлик соҳасининг асосий турлари учун, яъни рекреацион (дам олиш), маърифий, илмий, амалий сайёҳлик учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида барчасига шарт-шароитлар мавжуд ва эндиликда уларни янада тараққий эттириш йўлида улкан сайёҳ-ҳаракатлар рўёбга чиқмоқда. Тошкент Ватанимизнинг маънавий-маданий ёдгорликлари жойлашган марказлардан

САЙЁҲЛИК – ВАТАННИ ТАРАННУМ ЭТУВЧИ СОҲА

бири бўлиши билан бир қаторда, халқимизнинг буюк зиёлилари яшаган ва ижод қилган масканлардан ҳисобланади. Биргина музейларнинг сони бу ерда 30 дан ортиқ бўлиб, улар орасида Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Ўзбекистон давлат табиат музейи, Темирийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, Олимпия шон-шухрат музейи, Камолдин Бехзод мемориал боғ-музейи, М.Ашрафий, Ойбек, Фафур Фулом, У.Тансиқбоев, Абдулла Қаҳҳор, Юнус Ражабий, Сергей Бородин уй-музейлари ва С.Есенин музейлари, Тамарахоним либослари доимий кўргазмалари диққатга сазовор масканлардир. Ушбу музейларни тарғиб қилиш учун турли дидли, қизиқишдаги хорижий ҳамда ўзбекистонлик сайёҳларнинг танишув маршрутларини акс эттирувчи харита, қўлланма, махсус туристик веб-сайтларда улар ҳақидаги маълумотларнинг акс эттирилиши ҳам амалий аҳамиятга эга бўлади. Шу ўринда шаҳримиз кўчаларида номлари акс этган инсонлар ҳақида маълумотлар (ўзбек ва хорижий тилларда) иморатлар пештоқда келтирилиши, уларнинг юксак маънавий-маърифий аҳамияти ортар эди.

Шу ўринда яқин истиқболда юртимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан улushiни акс эттирувчи ихтисослашган музейлар, кўргазмаларни ташкил этиш сайёҳларнинг диққатини тортишга салмоқли таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Хусусан, пойтахтимизда маданият соҳасидаги “Ўзбек театри ва томоша санъати музейи”, “Ўзбек мақоми ва кўшиқчилик санъати”, “Ўзбекистон меъморчилик санъати”, гастрономик туризмга ихтисослашган “Ўзбек палови”, миллий ўйинлар туризмга ихтисослашган “Ўзбек миллий ўйинлари” (Ўзбек кураши) кабиларни ташкил этиш ҳам унинг ранг-баранглигига хизмат қилар эди.

Туризмнинг миллий иқтисодий таъминининг муҳим тармоқларидан бирига айланиши, маданий-тарихий меросимиз ва табиий бойлиқларимизни кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни қадимий обидаларимиз, муқаддас қадимжоларимиз, халқимизнинг бетакрор маданияти ва анъаналари билан кенг таништиришда беқийёс ўрин тутиши шубҳасиздир.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

Фармон ва ижро

ОРТИҚЧА ТЎЛОВНИ ҚАЙТАРИШ МУДДАТИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Президентимизнинг 2017 йил 18 июндаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш муддати икки бараварга қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 56-моддасига кўра солиқнинг бюджетга тўланган ҳамда тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ солиқнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади. Шунингдек, ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш ҳисобига ҳисобга олиниши керак: солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига; бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига; бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига; мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига; бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан мустақил равишда солиқ тўловчининг аризасисиз амалга оширилади, солиқ тўловчи бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч иш куни ичида ёзма шаклда, шу жумладан, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор этилади.

Шунингдек, ортиқча тўланган солиқ суммасини бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш, бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳамда бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиш солиқ тўловчининг ёзма аризаси, шу жумладан, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган аризаси асосида давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисобга олиш амалга ошириш тўғрисида ҳулоса тақдим этилган тақдирда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 57-моддасига кўра, ортиқча тўланган солиқларнинг қолган суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали қайтарилиши керак. Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш солиқ тўловчининг қайтариш тўғрисидаги аризаси топширилган санадан эътиборан ўн беш иш куни ичида тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 58-моддасига кўра бошқа мажбурий тўловларнинг тўланган ва тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади. Бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш Солиқ кодексини бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Божхона тўловларининг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ва қайтариш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси, шу жумладан, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган аризаси асосида, зиммасига мажбурий тўловларни ўндириб олиш мажбуриятини юклатилган органларга тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўн беш иш куни ичида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар солиқ хизмати органлари томонидан жорий йилнинг биринчи чорағида 8 963 та ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ортиқча тўлов суммалари солиқ қарздорлик суммаларини қоплашга қаратилди ҳамда 1 086 та солиқ тўловчига ортиқча тўланган солиқ суммаси ўз вақтида қайтарилди.

Худди шундай, ортиқча тўлов суммаларини қайтариб берилиши юзасидан 972 та жисмоний шахслар томонидан мурожаатлар қилинган бўлиб, мавжуд ортиқча тўлов суммалари пластик карточкаларга қайтариб берилди. Шунингдек, 8 194 та фуқаронинг бир солиқ туридаги ортиқча тўлов суммаси иккинчи солиқ туридаги солиқ қарзи ҳисобига қопланди.

Жорий этилган мазкур ўзгариш солиқ тўловчининг ортиқча тўланган маблағининг тезроқ ўз ихтиёрига ўтказилишига ва ундан унумли фойдаланган ҳолда корхонанинг раванҳиқа замин яратади.

Ш.ТУРДИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси мамлакатимиз хотин-қизларининг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур фармонга мувофиқ, жойларда хотин-қизларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш мақсадида уларнинг ижтимоий ва оилавий аҳоли ўрганилмоқда. Масалан, ўтган йил ногиронлиги бўлган аёллардан 1207 нафари уй билан таъминланган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорағида 107 нафар шундай аёл уйли бўлди. 879 нафари эса касаначилик асосида иш билан таъминланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган видеоселектор тарзидаги давра суҳбати ушбу ҳужжат мазмун-моҳияти, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда таълим муассасалари ва ижтимоий институтлар ҳамкорлиги масалаларига бағишланди.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, масъуллар ва олий таълим муассасалари хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг раҳбарлари, илмий муассасалар вакиллари иштирок этган тадбирдан асосий мақсад хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаолиятини ошириш, уларнинг турли соҳаларда имкониятларини намоеён этиш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болалик муҳофазаси каби қатор масалаларда таълим муассасалари ва ижтимоий институтлар ҳамкорлигини йўлга қўйишдир.

Фармонда белгиланган ҳар бир устувор вазифалар замирида хотин-қизларнинг бахтли ва саодатли яшаш йўлидаги эзгу ниятлар мустақамлик, – деди ЎЗА муҳибига Республика Хотин-қизлар кўмитаси бўлими бошлиғи Д.Қўзиёева. – Унга кўра, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Тадбиркор аёл” уюшмасининг Хотин-қизларни ва оилани

қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Бу эса хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳолига тушиб қолган хотин-қизлар ва оила-ларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатишга имконият яратади. Шунингдек, энди Зулфия номидаги Давлат муқофоти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизлардан икки нафар талабгорларга берилиши белгиланган ҳам жамият ҳаётидаги ўзгариш ва эҳтиёжларга монанд бўлди.

– Давра суҳбатида ҳудудий хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ва “Қизларжон” клуби фаолиятини оммалаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларимни билдирдим, – деди Андижон давлат университетининг хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси У.Аҳмедова. – Аёлларимиз бахту иқболи соғлом авлодни тарбиялашга мустаҳкам замин бўлади. Давлатимиз томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътиборнинг асл маъносини ҳам шунда. Шундан келиб чиқиб айтганда, Президентимиз фармонида бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ва бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар моҳияти хотин-қизларимиз орномусли, оқила, ташаббускор ва фаол бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий жабаҳаларда ўз мавқеини эгаллашга қаратилган. Бугунги видеоселектор тарзидаги суҳбатда хотин-қизларимиз ўз оқулири, муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида фикрлашдик. Ўйлайманки, бу борадаги ҳамкорлик яхши самара бериб, мавжуд муаммолар бартараф этилади.

(ЎЗА)



Инновацион лойиҳалар кенг татбиқ этилмоқда

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУД АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Интеллектуал мулк агентлиги ҳамкорлигида “Интеллектуал мулк ҳимоясининг амалий масалалари ва суд амалиёти” мавзусида ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Видеоконференция тарзида ўтказилган семинарда Олий суд ва вилоят судлари судьялари, Интеллектуал мулк агентлиги мутасаддилари, хорижий экспертлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда бозор муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани интеллектуал мулк объектлари ва уларга оид ҳуқуқларни таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бу, аввало, ҳусусий мулк дахлсизлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамлаб қўйилгани, Фуқаролик кодексига интеллектуал мулкга оид муносабатларга бағишланган алоҳида бўлим мавжудлигида намоеён бўлади.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Иқтисодий судлар ҳуқуқ эга-

нинг қонуний манфаатларини давлат томонидан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаётди, – деди Россия давлат интеллектуал мулк академияси ўқитувчиси Любовь Цитович. – Буни интеллектуал мулкни халқаро норма ва стандартларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилаётгани мисолида кўриш мумкин. Ушбу семинар интеллектуал мулк соҳасидаги бахтли масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда халқаро амалиётни қўллаш, мамлакатларимиз учун бирдек манфаатли бўлган миллий тажрибани оммалаштириш имконини беради.

Анжуманда иштирокчилар мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасига оид ишлар бўйича суд амалиёти ва халқаро тажриба, фуқароларнинг маъмурий суд ҳуқуқий манфаатлари қамраб олинганлик даражаси каби масалалардаги саволларга жавоб олди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири



Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ҲАМ ҲАММАЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАН ҲАММАЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА" КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

Айни кунларда пойтахтимиз туманларида халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар орасидан илғор, ижодкор, ташаббускор ва фидойи ўқитувчиларни аниқлаш ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови ўтказилмоқда.

16-21 апрель кунлари 6-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида беш кун давомида мазкур танловнинг Сергели туман босқичи бўлиб ўтди.

Бу танлов таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар орасидан юксак маҳоратга эга бўлган, ўз фани ва мутахассислигининг жонқуяр эгаларини саралаб олишда муҳим аҳамият касб этади, дейди 6-давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори Дилором Эшмаматова. Жумладан, умумтаълим фанларини ўқитишда баъзи бир мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўллари мувофиқлаштириш, ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, педагогларни ўз мактабини яратишга йўналтириш, ўқитувчиларнинг юксак маънавияти, ахлоқий фазилатлари, ташаббускорлиги ҳамда ижодкорлигини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

Танловда 183 нафар ўқитувчилар 11 та фан бўйича иштирок этиб, "Очиқ дарс ишланма-

сини компьютерда ёзиш", "Фаннинг ўқитишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида тақдимот тайёрлаш", "Маълум мавзу бўйича қўра ташлаш йўли билан танилган нотаниш синфда дарс машғулотини ўтиш" каби шартлар асосида ўзаро беллашди.

Иштирокчилар Республика таълим маркази томонидан тавсия этилган мезонлар асосида баҳолашиб борилди. Уларга танловни ўтказиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди, керакли жиҳозлар ва техника воситалари билан таъминланди.

Танловда нутқ ва ахборотларни бериш саводхонлиги, методик маҳорати ва ижодкорлиги, дарс жараёнидаги методлар, усуллардан ўринли фойдаланиши, ўзига хослиги, ўқувчиларни таълим олишга қизиқтира олиши, мустақил ижодий ишларни қўллаш каби мезонларга алоҳида аҳамият қаратилди.

Г.ДУРДИЕВА

КЕКСАЛАР ИБРАТИ ЁШЛАРГА САБОҚ

Оилада отани хонадон устунига, онани эса хонадоннинг фойзи-фариштасига менгайдилар. Боболар ва бувилар тарбиясини олган ёшлар ахлоқ-одоб, муомала, андиша-ҳаёда бошқалардан кўра ажрალიб туради.

Бундайларга қарата кўпинча: "Отанга раҳмат!", деган таснифларни билдиришади. Чиндан ҳам, бобо-бувиларимиз ҳамisha бизни дуо қилиб, комил инсонлар бўлиб етишишимизни, ишларимиз унумли, баракотли бўлишини тилаб, ҳалол яшашга ундайдилар. Бугунги кунда маҳаллаларимизда ташкил этилган "Бувижонлар мактаби"нинг мақсади ҳам жамиятнинг кичик бир бўлаги бўлган оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳит яратиш, шарқона урф-одат, анъаналар, минг йиллик тарихга эга қадриятларимизга ҳурматни шакллантириш, бой тарихимизни билиш орқали ўзини янада чуқурроқ англаб етишидир. Юнусобод туманидаги "Оқтепа" маҳалласи қадимий маҳаллалардан ҳисобланади. Ҳудуддаги пиру бадавлат кексалар, зиёлиларнинг кўплиги, оила-таълим муассасаси-маҳалла ҳамкорлигининг яхши йўлга қўйилгани сабаб мақташга арзиғулик эзгу ишлар амалга оширилди.

Ҳафтанинг жума кунлари "Маънавият кўни" бўлиб, бу кунда таниқли, эл ардоғидаги инсонлар билан ижодий учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилади. Хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Маҳфуза Қосимованинг саъй-ҳаракати билан "Ораста қизлар" даврасида ҳеч қаерда учрамайдиган, қизларни оила, ҳаётга тайёрлайдиган "Хамир хола" тўғрагида мавжуд. Бунда улар ҳудудда яшайдиган бувижонлар билан бевосита ҳамкорликда ишлашади. Кўни кеча бу таълим масканида "Ёшларни китоб мутлоасига ўргатишда бобо-бувижонларнинг ўрни" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Республика Болалар кутубхонаси ходими Муҳаббат Хайитбоева, ижодкор Отабек Қувватов иштирок этдилар. Худойберди бобо китоб мутлоасига ўргатиш оиладан бошланиши, фарзандларни китоб ўқишга қизиқтириш учун, аввало ота-она ўзи китоб ўқиши кераклиги, бола дунёқарашининг ўсиши, фикрлаш доирасининг кенгайиши, сўз бойлигининг кўпайиши учун ҳам ёшларимиз китоб ўқишлари кераклиги тўхталдилар ва ёшлар кўпроқ эртак, ҳижоя, ривоят, ҳикмат, мақолларни ўрганишлари ҳақида тавсия бердилар. Муҳаббат Хайитбоева кутубхонада болалар учун яратилган шароитлар, аъзо бўлиш йўллари ҳақида маълумот берди. Ижодкор Отабек Қувватов эса ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Тадбир иштирокчиси Маҳмуд Ҳожи Отабоев ҳам ёшларга қарата ёшлиқда ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланиш, кўпроқ ўқиш, ўрганиш ва ҳеч қачон меҳнатдан қочмаслик кераклиги ҳақидаги маслаҳатни бердилар. Маънавий тадбирнинг яна бир аҳамиятли тарафи, шу кун тадбирда иштирок этган бувижон ва бувижонлар ташкил этилган китоб савдосидан китоблар сотиб олдлари ва набираларини Республика Болалар кутубхонасига аъзо қилишга ният билдирдилар.

Гулчехра КАРИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Сергели кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси Сизларни кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган бўш ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият қўрсатаятган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 18 апрелдаги 15-сонли баёни.

"Сергели кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК

- Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обихаёт кўчаси, 1-уй.
• Умумий ер майдони: 11,8га.
• Ижарага берилаётган ер майдонлари: 5 та лот.
• Жами ижарага берилаётган ер майдони: 6737,0 кв.м.
• Коммуникация тармоғи: электр энергияси ва совуқ сув билан таъминланган.
• Саноат зонасининг йўналиши: саноат ва халқ истеъмолчи маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
• Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили: "Сергели кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обихаёт кўчаси, 1-уй.
• Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати: Таклифлар 2018 йил 25 май, соат 09:00га қадар қабул қилинади.
• Танлов ўтказиш санаси: 2018 йил 25 май, соат 15:00 да.
• Танлов ўтказиш манзили: "Сергели кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обихаёт кўчаси, 1-уй.
• Маълумот учун телефонлар: 146-16-10, 997-32-93.
• Электрон почта манзили: sergeli.kszb@mail.ru

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" давлат унитар корхонаси Сизларни кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган бўш ер майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият қўрсатаятган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 18 апрелдаги 15-сонли баёни.

"Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК

- Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй.
• Умумий ер майдони: 5га.
• Ижарага берилаётган ер майдонлари: 6 та лот.
• Жами ижарага берилаётган ер майдони: 3136 кв.м.
• Коммуникация тармоғи: электр энергияси ва совуқ сув билан таъминланган.
• Саноат зонасининг йўналиши: саноат ва халқ истеъмолчи маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
• Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили: "Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш" ДУК, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй.
• Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш тартиби ва муддати: Танловда иштирок этишни истаган тадбиркорлик субъектлари бир ёки бир нечта лотларга таклифлар топширишлари мумкин. Таклифлар 2018 йил 24 май, соат 09:00га қадар қабул қилинади.
• Танлов ўтказиш санаси: 2018 йил 24 май, соат 15:00 да.
• Танлов ўтказиш манзили: "Бектемир кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси" ДУК, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй.
• Маълумот учун телефонлар: 144-16-10, 997-32-93.
• Электрон почта манзили: bektemir-ksz@mail.ru

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мунис кўчаси, 1-уйда жойлашган "POWER PRODUCTION" МЧЖ ҚҚси "АРКТИКА BOTTLERS" МЧЖ ҚҚга бирлаштирилди.

Давво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Порлоқ кўчаси, 12-уй манзилида ёки +99871 295-99-33 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"MAGNUS DIAMOND LOGISTICS" МЧЖга (ИНН 304882332) тегишли бўлган қўйидаги лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

Table with 3 columns: License type, Fee, State fee. Rows include PPG2073346, PPG2073348, GBSPP-ZIL-130, 01W961GA.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилик кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва халқимизга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, халқнинг ичига кириб бориш, уларнинг муаммо ва дардини ўрганишнинг бир йўналиши сифатида Республикаимизнинг етук шифокорлари, жумладан Республика ихтисослашган кардиология марказининг олимлари ҳамда малакали шифокорларидан бир гуруҳи марказ директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон қаҳрамони Равшан Қурбанов бошчилигида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда юртимизнинг турли вилоятларида юрак-томир касалликларни этимологиясини ўрганиш, бирламчи бўлинда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Маълумки, Республика ихтисослашган кардиология маркази (кейинги ўринларда Марказ) ўндан ортиқ илмий-амалий бўлимлардан ташкил толган бўлиб, жаҳоннинг илғор клиникалари билан рақобатлаша оладиган етук кадрлар ҳамда моддий-техника базасига эга. Марказ Россия, Европа ҳамда Осиё мамлакатлари кардиолог-олимлари билан ўзаро ҳамкорлик, ҳам-фикрлик ишларини йўлга қўйган. Айниқса, марказда кардиохирургия фаолияти ташкил этилгандан буён Ҳиндистон, Россия, Исроил каби мамлакатларга шифо излаб борадиганлар сони кескин камайди. Ахир бунда энг арзон юрак операцияси учун йўлира ва бошқа харажатларни қўшиб ҳисоблаганда 10 мингдан 30 минг АҚШ долларига-ча маблағ сарфланишига тўғри келаятган эди.

Бундай жаррохлик амалиётлари ўзимизда энг замонавий, ишончли усул ва воситалар ёрдамида ўн баробар арзон, яъни 1000-3000 АҚШ доллари ҳисобида амалга оширилмоқда. Қарангки, соғайиб, оёққа туриб кетиш даражаси ҳам жаҳон стандартлари талабида, яъни юз фоизга яқин. Россиянинг А.Н.Бакулев номида-

ги юрак-қон томир жаррохлиги марказида ишлаган таниқли кардиожаррох, ватандошимиз, тиббиёт фанлари доктори, профессор Рустам Ярбеков давлатимиз раҳбарининг тиббиёт тизимидаги ислохотларидан руҳланиб юртимизга қайтиб келди. Унинг шу йилнинг ўзида олиб борган операциялари сони 500 дан ортиб кетди. Ҳозирги кунда олим кўплаб малакали шогирдлар тайёрлаш ишига ҳам қатъий бел боғлаган.

Марказда бугунги кунда кўплаб маҳоратли профессорлар: Н.Зокиров, Т.Абдуллаев, Р.Мамутов, Р.Тригулова ва бошқалар касбий

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида "...халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди", — деб таъкидлаган эди. Албатта давлатимиз раҳбарининг бу давлатига биноан академик Р.Қурбанов бошчилигида бир гуруҳ кардиолог-шифокорлар кўплаб вилоятларда бўлишиб, жумладан, Гулистон шаҳридаги Сирдарё вилояти кардиология шифохонасида ҳам улар томонидан беморлар билан қўйилган ташхис бўйича олиб борилаётган муолажаларга кўра тахлилий суҳбатлар ўтказилди ҳамда тегишли тавсиялар берилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бугунги кунда Республикаимизнинг марказ филиалларига асосан академик Р.Қурбановнинг шогирдлари, иқтидорли мутахассислар раҳ-

дитлар, орттирилган ва тўғра юрак нуқсонлари кабилар даволанмоқда. Шифокорларнинг муомалалари ҳамда ҳамшираларнинг маданий мулоқотларидан беморлар мамнун эканликларини билдиришди. Яқин ойларида шифохона ихтиёрига эски бино реконструкция қилиниб ҳамда яна битта янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилади. Истиқболда қоронгор қон томирлари ангиография текшируви ва қоронгор томирларни стентлаш йўлга қўйилади. Бу жараён албатта янги инновацион ғояларга асосланади.

Марказ раҳбарлари Р.Қурбанов бошчилигидаги шифокорлар ҳафта давомида вилоятда бўлишиб, сафар якуни ўлароқ Гулистон шаҳар шифохонасининг фаоллар залида "Юрак-томир касалликлари профилактикасида бирламчи бўлин соғломлаштириш самарадорлигига эришиш йўллари" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда академик Р.Қурбанов, профессорлар Р.Мамутов ва Р.Тригуловаларнинг маърузалари тингланди. Қизиқarli, баҳс-мунозара ҳамда савол-жавоблар асосида анжуман давомида тингловчи шифокорлар ўзларига кўплаб тиббий инновацион ёндашувларга асосланган маълумотларни олиш имкониятига эга бўлишди.

Анжуман якуни ўлароқ ҳар бир инсон ўз саломатлигини ўзи асраши, тиббий-педагогик билимга эга бўлиши лозимлиги қайд этилиб, шу ўринда: соғлом ҳаёт тарзи, яъни доим жисмоний ҳаракатда бўлиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, овқatlanиш, дам олиш, уйқу режимига амал қилиш, чекмаслик, ичиндан йироқ бўлиш, тана вазнининг ортиб кетишининг олдини олиш, ёғли, холестерин кўп маҳсулотларни истеъмол қилмаслик, айниқса, витамин ва микроэлементлар мўл бўлган сабзавот-меваларни тановул қилиш, тоза ҳавода сайр этиш кабилар юрак-томир касалликларига чалинишининг олдини олувчи асосий омиллар эканлиги қайд этилди.

Ҳ.АБДУКАРИМОВ, педагогика фанлари номзоди, доцент

Ислохотлар оқимида ЮРАК-ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

тиббий фаолиятлари жараёнида кардиология соҳасининг турли йўналишларига оид фундаментал тадқиқот изланишларини олиб боришмоқда. Улар ўз йўналишлари бўйича кўплаб шогирдлар тайёрлашга ҳам эришишган.

Кардиология илмини чуқур ўрганиш, ечимини кутаётган фундаментал муаммоларни ҳал этишда жойларда, яъни ҳар бир ҳудуднинг иклими, шарт-шароити, экологик омилларини таҳлил этиш орқали юрак-томир касалликларига аниқ ташхис қўйиш, қолаверса, операция учун навбат кутишларни кескин камайтиришга доир чора-тадбирларни белгилаш мақсадида Республикаимизнинг ўн та вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида Марказ филиаллари фаолият олиб бормоқда. Шу билан биргаликда Марказ қошида поликлиника ташкил этилган бўлиб, бу ерда бир кунда 200 дан зиёд беморларни қабул қилиш ва уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

барлик қилиб келишмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳрида жойлашган вилоят кардиология шифохонасига ёш, ижтимоий фаол ва кардиология соҳасида тадқиқот изланишлари олиб бораётган бўлажак олим Шухрат Хусанов раҳбарлик қилиб келаётганига бир йил ҳам ўтган эмас. Ўзаро суҳбат чоғида Ш.Хусанов ушбу масканда ўн битта кардиолог фаолият олиб бораётганлигини, шифохона жами 70 нафар беморга хизмат қилиши мумкинлигини, энг муҳими, физик юксалма асосида чекламани аниқловчи "ВЭМ" аппарати; суткалик ЭКГ монитор "ХМЭКГ" аппарати; суткалик АД монитор "СМАД" аппарати; биохимик анализаторлар; УЗИ аппарати, ЭКГ аппаратлари билан таъминланган шифохонада асосан юрак-томир касалликларидан ЮИК оғир даражалари; ўткир миокард инфарктлари; юрак қон-томир касалликлари асоратларидан юрак етишмовчилиги, юрак аритмиялари, шунингдек, дилатацион кардиомиопатиялар, миокар-



Спорт янгилклари

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Футбол бўйича мамлакатимиз Суперлигаси жамоалари матбуот котиблари Россиянинг Краснодар шаҳрида уюштирилган ўқув-семинарида иштирок этишди.

Краснодар шаҳрида семинар катнашчилари "Краснодар" клуби академиясига ташриф буюришди, у ердаги иш тизими, матбуот хизмати фаолияти билан яқиндан танишишди.
Суперлига жамоаларимиз матбуот котиблари шу-

нингдек, "Краснодар" ва Туланинг "Арсенал" клублари ёшлар ва асосий таркиблари ўртасида ташкиллаштирилган учрашувларни бевосита стадиондан томоша қилишди. Шу аснода ҳамюртларимиз медиа тadbирлар қай тартибда ташкилланишини ўрганишди.

"ЛОКОМОТИВ"ДА БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XXVII миллий чемпионатида амалдаги чемпион "Локомотив" барқарор ўйнай олмай, қимматли очколардан маҳрум бўлаётгани клуб мухлисларини ранжитаетгани айни ҳақиқат.

Ҳозирги кунда турнир жадвалида ўзига хос бўлган куйи поғоналарда бораётган "Локомотив" клубида эндиликда таникли мутахассис Андрей Фёдоров бош мураббий вазифасини бажаради. Шунингдек, хорижлик мутахассис Мирко Йеличич маслаҳатчи лавозимида ишласа, Темура Қападзе ёрдамчи мураббий сифатида фаолият юритади.

Акбар Йўлдошев

ФОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Пойтахтимизда футбол бўйича 2005 йилда туғилган футболчилар ўртасида уюштирилган турнир Зокир Қурбонов хотирасига бағишланди.

Юртимизнинг профессионал клублари тарбияланувчиларидан таркиб топган 10 та жамоа голиблик учун кураш олиб борган хотира турнирини Зокир Қурбоновнинг оила аъзолари, яқинлари, "Пахтакор" командасининг собиқ футболчилари – Биродар Абдураимов, Николай Любарцев, Вячеслав Солохо, Собир Ходиев,

Жаъфар Ирисметов, Валерий Бородавкин ва Бенъямин Муратовлар бевосита стадиондан томоша қилишди.
Қизикарли ва мурасасиз, шиддатли курашлар остида кечган бахслар якунида финалда БЎСМ-16 жамоасини 3:2 ҳисобида енга олган ёш пахтакорчилар бош совринни қўлга киритишди.

Хотира турнирининг 3, 4-ўринлари учун майдонга тушган "Янгир" ва "Бунёдкор" жамоалари учрашувида 2:1 ҳисобида янгирлик ёш чарм тўп усталари зафар қушишди.
Хотира турнири якунида голиб ва совриндор жамоалар мутасаддилар томонидан муносиб тақдирланишди.

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабида ўқувчилар ўртасида "Саломатликнинг ёш дўстлари" мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Тadbир ёш авлодни жисмонан соғлом вояга етказиш, ўқувчиларга санитария-гигиена ва йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш, фавқулдда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга бағишланди.

— Республикаимизда шу кунларда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти ҳаракати кунига бағишлаб муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш, инсонларварлик тadbирлари ўтказилиб келинмоқда, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти Шайхонтоҳур туман ташкилоти ижрооти директори Барчиной Муҳамеджанова. — Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларига аъзо бўлган кишилар ҳақиқий эзгулик ишларига бел боғлаган инсонлардир. Дунёда меҳр-шафқат бор экан, эзгу ишлар кўпаяверади.

Ҳар бир гуруҳ аъзолари доривор ўсимликлар, шахсий гиғиена қоидалари, жароҳатланганда биринчи ёрдам, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи, йўл ҳаракати қоидалари, сафда туриш шартлари бўйича беллашдилар ва ўзлари ишлаган деворий рўзнамаларини намойиш этидилар.

— Мусобақада фахрли ўринлардан бирини эгаллашимизга "Соғлом авлод муҳофазаси", "Йўл ҳаракати қоидалари", турли суҳбатлар ва биринчи ёрдам кўрсатиш дарсларини пухта ўзлаштирганимиз катта ёрдам берди, — дейди 254-мактабнинг санпостчи гуруҳи бошлиғи Инобат Ихтиёрова. — Мактаб ҳамширасига санпостимиз аъзолари олган билим ва кўникмалари орқали яқиндан кўмак беришади. Тенгдошларим келгусида тиббиёт олийгоҳларида таълим олиб, инсонларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишади.

20-мактабнинг "Ёш санпостчилар" гуруҳи ҳам мусобақада ўз эчиллиги ва зукколиги билан ажралиб турди. 157-мактаб "Ёш ҳамширалар" гуруҳининг шiori — "Соғлом фарзанд — юрт келажаги", 299-мактаб санпостчилари ўз шiorини "Огоҳлик — давр талаби" деб номлаб, бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими томонидан туман Халқ таълими бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси, Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада биринчи ўринни 20-мактаб, иккинчи ўринни 157-мактаб, учинчи ўринни 324-мактаб жамоалари эгаллашди.

Биринчи ўринни эгаллаган жамоа мусобақанинг шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.

Зийда РАСУЛОВА

Қилмиш — қидирмиш

"ПУЛТОПАР ЭЛЕКТРИКЛАР..."

Баъзан уйимизда чироқ ўчиб қолса ёки электр ҳисоблагичда муаммо пайдо бўлса, электр тармоқлари ходимларига мурожаат қиламиз. Айрим ҳолларда электр ҳақини ўз вақтида тўламасангиз, соҳа назоратчилари сизни безовта қилишга мажбур.

Шунда ҳам ҳаммаси қонуний бўлиши керак, ақс ҳолда...

Умар Салихов (исм-шарифлар ўзгартirilган) 1987 йил туғилган. Оилали, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Чилонзор тумани электр тармоқлари корхонасида назоратчи бўлиб ишлаган. Унинг шериги Зоҳид Рўзиев 1989 йил туғилган, Умардан икки ёш кичик бўлса, муқаддам судланиб чиққан. Жиноят иши тафсилотлари бўйича бу иккови ўзаро жиноий тил бириктириб, мижозларни кўрқитиб, пул ишлаб келишган.

Умар Салихов 2014 йилда электр тармоқлари корхонасига ишга кирган. 3 йиллик стаж бор.

Фуқаро Г.Фахриева 2017 йил 2 июнь кун Чилонзор электр тармоқлари корхонасига мурожаат қилиб, хонадонида таъмирлаш кетаётгани сабабли мрамар тош плиталарни кесилда юқори кўчланишли электр токига уланганда ёрдам беришни сўрайди. Унинг хонадонига текширишга борган назоратчи У.Салихов тош кесиб ускунасига улаб бериш ва бир ой давомида фойдаланиш учун иш ҳақи сифатида монтерга 100 минг, электр корхонаси ҳисоб рақамига 400 минг сўм, жами 500 минг сўм бериш лозимлигини айтиб, фирибгарлик билан Г.Фахриеванинг 500 минг сўмини қўлга киритиб, ушбу пулларни корхонага кириб қилмасдан, монтерга 100 минг сўмини бермасдан пулларни шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Умар Салихов ўз фаолиятида Зоҳид Рўзиевни ўзига ёрдамчи сифатида ишлатган. Хонадонларда аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича тўғри иш юритмасдан келишиш, пул ундириш йўлини танлаган. Зоҳид Рўзиев 2017 йил 21 июнь кун соат 17:00ларда Чўпонота кўчасидаги хонадонлардан бирига келиб, Н.Алиеванинг хонадонида электр тармоқларига ноқонуний улашиб олинганлик ҳолатини аниқлайди. Бу масалада устози У.Салиховни қақиради.

Умар ва Зоҳид хонадон эгасига ушбу ҳолат юзасидан далолатнома тузиб, электр энергиясидан узиб қўйиш ва 5 млн. сўм жарима солиш билан кўрқитади. Н.Алиева аҳоли оғир эканлигини, далолатнома тузмаслигини, жаримани кейинроқ тўлашини айтганида, бўлмаса, 1 млн. берасиз, далолатнома тузмаймиз деб келишиб, бир-икки кун ичинда пулни етказиб беришликни тайинлаб, хонадондан чиқиб кетишади.

2017 йил 23 июнь кун Зоҳид Н.Алиеванинг хонадонига бориб, 830 минг сўм пулни олган пайтда Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Чилонзор тумани бўлими ходимлари томонидан ашёвий далил билан ушланган.

Судда судланувчилар ўз айбига қисман иқдор бўлишди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди "устоз-шоғирд" қонунбузарни ойлик иш ҳақидан ушлаб қолган ҳолда (У.Салиховга) икки йил муддатга электр корхоналарида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 3 йил муддатга озодликдан чеклаш жазоси билан сийлади.

Даврон АБДУНАЗАРОВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Чилонзор тумани бўлими катта инспектори

Чилонзор тумани электр тармоқлари корхонаси назоратчилари ноқонуний ишлашни ўзларига қасб қилиб олган шекилли, уларнинг жиноят ишлари судда тақрор ва тақрор кўрилмоқда.

Чилонзор тумани электр тармоқлари корхонаси назоратчиси бўлиб ишлаган Фарҳод Ҳамидов (исм-шарифлар ўзгартirilган) фуқароларнинг хонадонларини текшириб, фойдаланилган электр энергияси ҳисобини аниқлаб, ҳисоблагич ишлаган ёки ноқонуний электр токини улаб олган хонадонларни топиб, жаримани давлатга кириб қилиб, тўғри ишлаш ўрнига шахсий ман-

фаати йўлида мўмай даромад топиб келишган.

2017 йил 9 июнь кун тушлик маҳали электр назоратчи Ф.Ҳамидов Алгоритм даҳасида яшовчи К.Сайфулдиновнинг хонадонига кириб, хонадон бекасига ўрнатилган электр ҳисоблагич ишламаётганини айтди. Ушбу ҳолатни вақ қилиб, далолатнома тузиб, электр энергиясидан узиб қўйиш, аксинча 3 млн. 750 минг сўм жарима солиш билан кўрқитади. Хонадон эгаси ундай қилмаслиқни, келишишни тақлиф қилади. Бўлмаса кенгача 1 млн. 800 минг сўм пулни етказиб беринглр, дейди назоратчи ва телефон рақамини хонадон эгасига қолдириб кетади. Соат 18.00ларда К.Сайфуллаева пулни олиб кетиши мумкинлигини айтди. Соат 20.00ларда ўша манзилга бориб, уй эгасидан 1 млн. 600 минг сўмни олган пайти Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Чилонзор тумани бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд мажлисида Ф.Ҳамидов айбига тўлиқ иқдор бўлди. У.К.Сайфуллаевадан олган 1 млн. 600 минг сўмнинг 247 мингини электр ҳисоблагич учун, 300 минг сўмини электр карздорлиги учун, 35 минг сўмини давлат стандарти тўлови учун, қолган 1 млн. сўмини ўзининг эҳтиёжи учун ишлатмоқчи бўлгани, қилмишдан пушаймон эканлигини билдириб қўрсатма берган.

Суд Ф.Ҳамидовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 214-моддаси, 2-қисмининг "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айблаб, шу модда билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 8 ой 15 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Отабек ШОМУРОТОВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Чилонзор тумани бўлими катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

"Олмазор кичик саноат зонаси" акциядорлик жамияти Сизларни жамият ҳудудида жойлашган бино ва ишоотларни имтиёзли равишда узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли ва 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори ва 2017 йил 4 июлдаги 463-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2018 йил 18 апрелдаги 15-сонли баёни.

- **"Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ**
 - **Манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.
 - **Умумий ер майдони:** 12,6 га.
 - **Ижарага берилаётган бинолар ва ишоотлар сони:** 17 та лот.
 - **Жами ижарага берилаётган майдон:** 4779,0 кв.м.
 - **Коммуникация тармоғи:** электр энергияси, газ тармоқлари ва совуқ сув билан таъминланган.
 - **Саноат зонасининг йўналиши:** электр техникаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш.
- Танловда катнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** "Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй;
Танловда катнашиш учун таклифларни қабул қилиш муддати: 2018 йил 31 май, соат 09:00;
Танлов ўтказиш санаси: 2018 йил 31 май, соат 15:00 да;
Танлов ўтказиш манзили: "Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй;
Маълумот учун телефонлар: 248-16-80, 248-22-71, 248-02-70 (факс);
Электрон почта манзили: oniks.mikond@mail.ru

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Махсуслаштирилган автоҳўжалиги DAMAS, NEXIA, LACETTI ва HYUNDAI автомашиналари эҳтиёт қисмлари, аккумулятор батареялари, автошина, антифриз, тормоз суюқлиги ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини сотиб олиш учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
Манзил: Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 34-уй. Тел: 274-94-83, 274-19-14.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани Ягона дарча маркази томонидан 21.04.2017 йилда № 510680 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "DUDIK" сивалий корхонаси (ИНН 804848239) таъсисчиларининг 04.01.2018 йилдаги № 1-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида Миробод тумани, 8 март кўчаси, 56-уйда қабул қилинади. Тел: (93) 390-05-50.

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 25-EMCM мактаб ҳовлисини кўкаламзорлаштириш учун ташкилотлар ўртасида **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**
Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 65 000 000 сўм
Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: 248-72-29

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Хуршид кўчаси, М-6, 88-уй, 42-хонадон манзилида жойлашган "SARVAR LSI" МЧЖга берилган № 10070101020092 рақамли нотураб жойининг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Бобур кўчаси, 5-уй учун Фазилшо Шокирджон Кобилович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"EUROASIA INSURANCE" МЧЖ ҚҚга (ИНН 202723160) тегишли бўлган қуйидаги рақамли 0062375, 0064440, 0065551, 0066390, 0066592, 0066917, 0070536, 0069723, 0067997, 0067996, 0067988 сўғурта полиси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 26 апрель кун ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдми. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 9-11, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 26 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарarli моддаларнинг бир аз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосликни даражаси паст бўлади.